

## Бақара сураси, 78-оят

09:00 / 01.10.2017 5128

**Уларнинг ичида китобдан беҳабар, хомхаёлдан бошқани билмайдиган саводсизлар бор. Улар фақат гумон қиладилар, холос.**  
*Бақара 78.*

Яъни яҳудийлар ичида Тавротдан беҳабар, унда нима гап борлигини билмайдиган, саводсиз омилар ҳам бор. Ўша омиларнинг билгани фақат хомхаёл, холос. Улар турли нарсаларни гумон қилиб, ўша гумонларига ишониб юраверадилар. Бу омиларнинг шундай ҳолга тушиб қолишларига сабаб нима? Асосий сабаблардан бири – залолатга кетган уламолар. Ўшалар оми халқнинг китобдан беҳабар қолишига, хомхаёлларга берилиб, гумондан бошқани билмай қолишига сабаб бўлганлар